


Дарахт кесишга ишқибозлар, огоҳ бўлинг!



13:40 / 11.09.2021 1940

«Ким бир дарахтни кесса, Аллоҳ уни боши билан дўзахга улоқтиради».

Имом Абу Довуд раҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадис ҳақида бундай деган эканлар: «Ким кенг, саҳро жойда ўсган, йўловчилар ва ҳайвонлар соясида дам оладиган дарахтни беҳудага, ноҳақ равишда кесадиган бўлса, Аллоҳ таоло уни боши билан дўзахга улоқтиради».

Расмларга қараб, бу ҳадисни теранроқ тушунилади ва Ислом дини қандай дин эканлиги борасидаги маълумотлар ортади.

Юртимиз шаҳарларида йўл четидаги дарахтларни кесиб, ҳудуднинг чўллашига сабаб бўлаётганлар кўзларини очишсин, ўзларига келишсин, нима қилаётганларини ҳис қилишсин!

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятдан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади